

**ЎЗР ФА ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВА ЗУХРА АТАБЕКОВНА

**ДИЭЛЕКТРИКДАГИ ВА ДИЭЛЕКТРИК – ЯРИМЎТКАЗГИЧ
ЧЕГАРАСИДАГИ ЗАРЯД НОТЕКИС ТАҚСИМОТИНИНГ МДЯ
ТРАНЗИСТОР ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Атамуратова Зухра Атабековна

Диэлектрикдаги ва диэлектрик – яримўтказгич чегарасидаги заряд
нотекис тақсимотининг МДЯ транзистор характеристикаларига
таъсирини моделлаштириш..... 3

Атамуратова Зухра Атабековна

Моделирование влияния неравномерного распределения заряда в
диэлектрике и на границе диэлектрик-полупроводник на
характеристики МДП транзистора..... 19

Atamuratova Zukhra Atabekovna

Simulation of influence of nonuniform distribution of the charge trapped
in dielectric layer and at dielectric-semiconductor interface to
characteristics of MOSFET..... 35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published research works..... 40

**ЎЗР ФА ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВА ЗУХРА АТАБЕКОВНА

**ДИЭЛЕКТРИКДАГИ ВА ДИЭЛЕКТРИК – ЯРИМЎТКАЗГИЧ
ЧЕГАРАСИДАГИ ЗАРЯД НОТЕКИС ТАҚСИМОТИНИНГ МДЯ
ТРАНЗИСТОР ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/FM614 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Аҳмед

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Иброҳим Набиевич

физика-математика фанлари доктори

Ёдгорова Дилбара Мустафаевна

техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Ўзбекистон, Ташкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй, Тел.: (+99871) 235-93-61, факс: (+99871)235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net)

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Тел.: (+99871) 235-93-61; e-mail: ftikans@uzsci.net).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.К. Олимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Ж.С. Ахатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Ш.Н. Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ҳозирги вақтда металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) транзисторларнинг хоссаларини ўрганиш дунёнинг кенг илмий жамиятининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, 2019 йилда яримўтказгичлар бозори сегментининг 32,4 фоизи тармоқлар ва алоқа қурилмаларига тўғри келади. 2021 йилда яримўтказгичларнинг глобал бозори 469,4 миллиард долларни ташкил этган бўлиб, унинг йиллик ўсиш суръати 8,4 фоизни ташкил этиши ва 2027 йилга келиб, 726,73 миллиард долларга етиши кутилмоқда¹. Бу борада микрометр ва нанометр ўлчамлардаги МДЯ асбобларнинг характеристикаларига ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасининг хоссаларига турли ташқи таъсирларни ўрганиш, ушбу асбобларнинг ташқи таъсирларга бардошлилигини ошириш, стабил ва юқори ишончли ҳамда турли стрессларга чидамли транзисторларни ишлаб чиқиш замонавий яримўтказгичлар микро- ва наноэлектроникасининг долзарб масалаларидандир.

Дунёда сўнгги йилларда МДЯ тузилмалар турли замонавий электроника қурилмаларида, жумладан яримўтказгич хотира элементларида, мобил алоқа қурилмаларида, турли тиббий имплантант датчикларда, телекоммуникация қурилмаларида ҳамда космик саноат техникаларида асосий ташкилий элемент сифатида кенг қўлланилмоқда. Бу борада, бугунги кунда металл-оксид-яримўтказгич (МОЯ) структураларга турли ташқи таъсирларнинг ва улар асосидаги транзисторларга таъсир эффектларини ўрганишнинг долзарблиги бу таъсирлар механизмларининг тўлиқ ўрганилмаганлиги билан боғлиқдир. Жумладан, субмикрометр ва нанометр ўлчамдаги МОЯ транзисторлар параметр ва характеристикалари стабиллигига ва фаолият кўрсатиш ишончлигига турли сабабдан диэлектрик қатламига ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасига кириб қолган локал зарядларнинг таъсир механизмлари тўлиқ аниқланмаган. Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳадаги муҳим масалалардан бири бу диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонларни назорат қилиш ва чегара ёнида зарядлар тақсимотини тадқиқ қилиш усулларини такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда қаттиқ жисмлар физикаси, хусусан яримўтказгичлар ва яримўтказгич асбоблар физикаси соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республика олимлари томонидан янги яримўтказгич материаллар, улар асосида структуралар олиш ва уларнинг характеристикаларига турли таъсирларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»² бўйича вазифалар белгиланган. Бу борада турли ташқи таъсирларга чидамли янги электрон техника материаллари

¹ Жаҳон яримўтказгичлар савдоси статистикаси маълумотлари (<https://www.wsts.org/>)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ва улар асосидаги тузилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг параметрларини назорат қилишнинг самарали усулларини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сонли «Электротехника саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Кўрилаётган ишнинг амалиётга тадбиқи металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларни қўллайдиган яримўтказгичли нанотехнологиялар ва наноэлектрониканинг ривожланишида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунга қадар диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларига ва улар асосидаги асбоблар чиқиш ва ўтиш вольт-ампер характеристикаларига, кириш вольт-фарад характеристикаларига, турли таъсирлар натижасида диэлектрикда ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида тўпланган зарядларнинг таъсирларини ўрганиш билан чекланилган, ва шу зарядларнинг нотекис тақсимотининг транзистор ён ўтишларининг вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларига таъсири деярли ўрганилмаган.

Корея Республикасидан Dong Myong Kim ва унинг ҳамкасблари томонидан, асбобга зарар етказмайдиган, изоляцияланган завторли майдоний транзистор диэлектрик-яримўтказгич чегарасида нуқсонлардаги заряднинг канал бўйлаб тақсимотини, затвор-исток ўтишининг сифимини ўлчашга асосланган усул билан аниқлаш таклиф қилинган ва натижалар моделлаштириш натижалари билан таққосланган. Бельгиянинг Халқаро микроэлектроника марказидан G. Groeseneken ва ҳамкасблари металл-диэлектрик-яримўтказгич транзистор диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги зарядларнинг канал бўйлаб тақсимотини аниқлаш учун заряд дамлаш усулини таклиф қилган. Россиялик олим И. Старков томонидан МОЯ транзистор диэлектрик қатлами ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги зарядларнинг транзистор характеристикаларига таъсирларини ажратиш усулларини таклиф қилган. Ҳозирги кунгача оксид-яримўтказгич чегарасида заряд тўпланиши бўйича барча тажриба натижаларини тўлиқлигича тушунтирадиган ягона модел

мавжуд эмас. Россия олимлари (В.Я. Урицкий, Е.А. Ладыгин, В.А. Гуртов ва б.) нурланиш таъсирида диэлектрик қатламида ва оксид-яримўтказгич чегарасида нуқсонлар концентрацияси ва зарядлар тақсимотини, ток ташувчилар ҳаракатчанлиги деградациясини асосан затвор, сток (исток) ёки таглик орқали ўтадиган ток ва кириш вольтфарад характеристикасини ўлчаш орқали ўрганишган.

Ўзбекистон олимлари С.З. Зайнабидинов, С.И. Власов, И.Н. Каримов, Х.С. Далиев, А. Юсупов, А. Атамуратовлар томонидан ҳам МДЯ асбоблар характеристикалари ўрганилган. Жумладан, С.И. Власов томонидан МДЯ структуралардаги диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларини ўрганиш учун модификацияланган C-V усуллар ривожлантирилган. И.Н. Каримов МДЯ структуралар чегара ҳолатларига турли ташқи таъсирларни ўрганган. А.Атамуратов ва А.Юсуповлар томонидан МДЯ транзисторлар хоссаларига, диэлектрик қатламга киритилган, локал зарядларнинг таъсири ўрганилган. Аммо бу ишларда МДЯ транзисторлар характеристикалари ва параметрларига оксид қатламидаги ва чегарадаги зарядлар канал бўйлаб тақсимотининг таъсири деярли ўрганилмаган.

МДЯ асбобларда диэлектрик қатламида ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида заряд тўпланиш жараёнини ўрганиш бўйича тадқиқотлар сони жуда кўп эканлигига қарамасдан ҳозирги кунгача диэлектрик қатламида ва чегарада турли электр стресслар таъсирларида заряд тўпланиш механизмини тушунтирадиган яқунланган модель яратилмаган. Микро- ва нанометр ўлчамлардаги МДЯ транзистор диэлектрик қатлами ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги локал зарядни, унинг канал бўйлаб тақсимотини аниқлашга қаратилган экспресс ва содда усуллар яратиш бўйича тадқиқотлар жуда кам.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети фундаментал илмий-тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф2-67 «Оксид-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонлар табиати ва ён томон бўйлаб тақсимотини тадқиқ қилиш усулига янгича ёндашиш» (2017-2020 й.й.) ва Урганч давлат университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (28.12.2016 даги 4-сонли баённомаси) «Яримўтказгичлар ва яримўтказгич асбобларда физик жараёнларни моделлаштириш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади МДЯ транзисторнинг диэлектрикга ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасига киритилган локал заряднинг канал бўйлаб нотекис тақсимотининг транзисторнинг ён ўтишлар вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларга таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич ва металл-оксид-яримўтказгич транзисторлар структураларини ва характеристикаларини моделлаштириш учун физик моделларини TCAD Sentaurus дастурида тузиш;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторнинг нитрид қатламга киритилган локал заряднинг ён исток-база ўтиш вольт-фарад характеристикаларига таъсирини ўрганиш;

наноўлчамли металл-оксид-яримўтказгич транзисторнинг оксид қатламига киритилган локал заряднинг транзистор ён ўтишлари сифимига таъсирини ойдинлаштириш;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторнинг нитрид қатламига киритилган локал заряднинг ён исток-база ўтиш вольт-ампер характеристикасига таъсирини аниқлаш;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторнинг нитрид қатламига қамралган иккита локал заряднинг ён исток-база ўтиш вольт-фарад характеристикаларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти металл-оксид-яримўтказгич транзистори, металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети металл-оксид-яримўтказгич транзисторнинг ён ўтишлари вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларига турли таъсирлар натижасида диэлектрик қатламида ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида канал бўйлаб нотекис тўпланган заряднинг таъсир жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда электрон транспорти жараёнларини компьютерда сонли моделлаштириш ҳамда назарий-аналитик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган. Вольт-ампер характеристикаларни моделлаштиришда изотермик диффузион-дрейф транспорт моделидан фойдаланилган. Вольт-фарад характеристикаларни ҳисоблашда кичик ўзгарувчи сигнал усули қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

металл-оксид-яримўтказгич транзисторнинг диэлектрик қатламига киритилган локал зарядланган соҳа маркази истокдан канал бўйлаб узоқлашганда, канал марказида яримўтказгич сиртига яқин соҳада асосий заряд ташувчилар концентрациясининг ортиши сабабли, бўсаға кучланишининг ортиши кўрсатилган;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторнинг нитрид қатламига локал заряд киритилганда, силжитиш кучланишининг маълум қийматларидан бошлаб, исток-таглик ён ўтиши сифимининг таглик легирланиш даражаси $N_{\text{sub}} \leq 1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ бўлганда кескин сакраб ортиши ва $N_{\text{sub}} > 1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ бўлганда кескин сакраб камайиши аниқланган;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзистори ён исток-таглик ўтишининг вольт-фарад характеристикасида, нитрид қатламига киритилган локал заряд таъсирида юзага келадиган сифим сакрашига мос келадиган кучланишнинг локал зарядланган соҳа чизиқли ўлчами ортиши билан монотон ортиши кўрсатилган;

нанометр ўлчамлардаги металл-оксид-яримўтказгич планар транзистори оксид қатламининг стокга яқин соҳасида локал заряднинг қамралиши ва қамралган локал зарядли соҳанинг чизиқли ўлчами d ортиши билан сток-таглик ён ўтиш сифими максимал ўзгаришининг чизиқли ортиши ва зарядли соҳа ўлчами ярим канал узунлигидан орта бошлаганда унинг тўйинишга эришиши ва унданг сўнг камайиб бошлаши аниқланган;

металл-нитрид-оксид-яримўтказгич планар транзисторининг нитрид қатламига локал зарядларнинг киритилиши ва унинг истокдан канал бўйлаб

узоқлашиши исток-таглик ўтишидаги сизиш токининг ортишига олиб келиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

планар металл-оксид-яримўтказгич транзистори диэлектрик қатламида тўпланган заряднинг ён ўтишлар сиғимига таъсирини ўрганиш натижаларида исток-таглик ва сток-таглик ўтишлар сиғимлари нисбатининг қамралган заряд тақсимотининг канал бўйлаб максимуми жойлашишига боғлиқлиги аниқланиб, амалиётда МОЯ транзистор оксид қатламида, электр стресс таъсирида инжекцияланиб қамралган заряднинг канал бўйлаб тақсимотини, истоктаглик ва стоктаглик ён ўтишларда барьер сиғими учун вольт-фарад характеристикаларини ўлчаш орқали баҳолашга имкон бериши кўрсатилган;

планар МОЯ транзистор бўсаға кучланишининг оксид қатламига киритилган локал заряднинг истокдан канал бўйлаб вазиятига боғлиқлиги аниқланиб, амалиётда МОЯ транзистор бўсаға кучланишининг ўзгаришига қараб оксид қатламида қамралган заряд тақсимотини аниқлаш имконини бериши аниқланган;

планар МОЯ транзистор исток-таглик ва сток-таглик ён ўтишлардаги сизиш токини оксид қатламида қамралган локал заряднинг канал бўйлаб вазиятига боғланиши аниқланиб, амалиётда МОЯ транзистор оксид қатламида жойлашган локал заряд вазиятини баҳолашга имкон бериши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларини моделлаштиришда стандарт дастурлардан фойдаланиш ва уларда қўлланилган физик моделлар нашрларда эълон қилинган тажриба натижалари асосида калибровка қилинганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти наноўлчамдаги металл-оксид-яримўтказгич транзисторларнинг ён ўтишлар вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларига турли таъсирлар туфайли диэлектрикда ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида тўпланган зарядларнинг таъсирларини ўрганиш натижасида шу зарядларнинг нотекис тақсимотининг транзистор ён ўтишларининг вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларига таъсири тўғрисидаги янги тасаввурларнинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аниқланган металл-диэлектрик-яримўтказгич транзисторнинг ён ўтишлар вольт-ампер ва вольт-фарад характеристикаларининг диэлектрик қатламида ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида қамралган заряд тақсимоти билан боғланиши транзисторни олиш технологик жараёнида керакли параметрларни танлашда ва топилган ён ўтишлар сиғимининг оксид қатламида қамралган заряд тақсимотига боғланишидан оксид қатламини ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасини экспресс диагностика қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Планар изоляцияланган затворли металл-диэлектрик-яримўтказгич транзисторнинг диэлектрик қатламида истокдан турли масофаларда, турли ўлчамларда қамралган локал

заряднинг ва турли тақсимот билан канал бўйлаб киритилган заряднинг транзистор турли характеристика ва параметрларига таъсирини моделлаштириш асосида:

турли электр стресслар натижасида оксид қатламида тўпланадиган заряднинг МДЯ транзистор ён ўтишлар характеристикаларига таъсирини моделлаштириш бўйича олинган натижалар Испаниянинг Сантиаго де Компостелла университетининг Компьютер Архитектураси бўлимида бажарилган «юқори даражада мукамал ҳисоблашлар учун Техник ва дастурий ускуналар» ва «юқори даражада мукамал ҳисоблашлардаги янги муаммолар ечимлари» лойиҳаларида илгариланган майдоний транзисторларни моделлаштиришда қўлланилган (Компьютер Архитектураси бўлими директорининг 28 июль 2022 йилдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш наноўлчамдаги майдоний транзисторларни, хусусан планар майдоний транзисторларнинг характеристикаларининг электр стресслар натижасидаги деградациясини моделлаштириш имконини берган;

МОЯ транзистор бўсаға кучланишига, металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзистор ён исток-таглик ўтишининг вольт-фарад характеристикасига диэлектрик қатламга киритилган локал заряднинг таъсири бўйича олинган натижалар ва хулосалар асосида «FOTON» АЖ акционерлик жамиятида намуналар ишлаб чиқилган («UZELTEXSANOAT» уюшмасининг 14 ноябрь 2022 йилдаги 311-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот ишлари натижаларини технологик жараёнга қўллаш яримўтказгичли диод ва майдоний транзисторларнинг вольт-ампер характеристикаларига технологик жараёнларининг таъсирини ва ташқи таъсирларни башоратлаш ҳамда асбобларнинг бардошлиги ва ишончлилигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Урганч давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти илмий семинарларида ҳамда илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та хорижий ва 2 та республика журналларида чоп этилган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ЭҲМ да қўлланиладиган 2 та дастурий маҳсулот учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши жами 108 саҳифалардан иборат бўлиб, таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 58 та расм, 2 та жадвал ва 2 та иловани ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мавзусининг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**изоляцияланган затворли майдоний транзистор-лар ривожланиши ҳолати**» деб номланган **биринчи бобида** адабиётларда берилган маълумотлар таҳлили асосида планар металл-оксид-яримўтказгич транзисторлар ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Металл-диэлектрик-яримўтказгич транзисторларда ташқи таъсирлар натижасида диэлектрик қатламида заряд тўпланиши механизмлари кўриб чиқилган. Наноўлчамли изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар ишончлигига муаммолари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳидан келиб чиқиб мавзунинг долзарблиги асосланиб, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«**Планар металл-диэлектрик-яримўтказгич транзистори асосий параметр ва характеристикаларини моделлаштириш усуллари**» деб номланган **иккинчи бобда** металл-диэлектрик-яримўтказгич транзистори ён ўтишларининг хусусиятлари, ночизиқли қаршилиқ ва сифимларни аниқлаш учун кичик ўзгарувчи сигнал усули, TCAD Sentaurus дастури ёрдамида МДЯ транзистори ён ўтишлари вольт-фарад характеристикаларини моделлаштириш усули баён қилинган, моделлаштиришда қўлланилган транспорт ва ҳаракатчанлик моделлари кўриб ўтилган.

Диссертациянинг «**Планар металл-диэлектрик-яримўтказгич транзистори бўсаға кучланиши ва ён ўтиш вольт-ампер характеристикаларига диэлектрик қатламидаги локал заряднинг таъсири**» деб номланган **учинчи бобида** планар металл-оксид-яримўтказгич транзистори бўсаға кучланишининг диэлектрик қатламидаги локал заряднинг вазиятига ва ўлчамларига боғланиши, планар металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзистори ён ўтиш вольт-ампер характеристикасига, сток токига диэлектрик қатламидаги локал заряднинг ва унинг тақсимотининг таъсири ўрганилган.


Ушбу ишда планар n-МОЯ транзисторларда (1-расм) бўсаға кучланишининг диэлектрик қатламидаги локал заряднинг ўлчамлари ва вазиятига боғланиши моделлаштирилган. Моделлаштириш натижалари оксид қатламига мусбат локал заряднинг киритилиши бўсаға кучланишининг камайишига олиб келишини, ва бу ўзгариш локал заряднинг истокга нисбатан вазиятига ва ўлчамига боғлиқ эканлигини кўрсатади (расм 2 а,б). Оксид қатламига киритилган локал заряд истокдан канал бўйлаб узоқлашганда унинг бўсаға кучланиши ортинининг асосий сабаби локал заряднинг таъсирида канал

марказида яримўтказгич сиртида асосий заряд ташувчилар концентрациясининг ортишидадир.



1-расм. Моделлаштирилган МОЯ транзистори тузилиши ва локал заряд жойлашиши


Ушбу ишда МНОЯ транзисторининг нитрид қатламига киритилган локал заряднинг канал бўйлаб турли вазиятида исток-база ўтиш тескари токига (сизиш токига) таъсири ҳам кўриб чиқилган. Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, локал зарядларнинг киритилиши исток-таглик ўтишининг I_{sb} сизиш токининг L масофага боғлиқ равишда ортишига олиб келади. 3-расмда ўтишга берилган тескари кучланиши, масалан, 7В бўлганда сизиш токининг нитрид қатламига киритилган локал заряднинг хар хил L масофаларга боғланиши келтирилган.



2-расм. МОЯ транзистор бўсага кучланишининг локал заряднинг истокдан масофа L га (a) ва чизикли ўлчами d га боғланиши (b)


Кузатилаётган сизиш токининг ортиши локал заряднинг исток-таглик ўтиш камбағаллашган соҳаси кенглигига таъсири билан тушунтирилиши мумкин.

Ишда нанометр ўлчамдаги металл-оксид-ярымўтказгич транзисторлар оксид-ярымўтказгич чегарасида зарядланган нуқсонлар нотекис тақсимланишининг сток токига таъсири моделлаштириш орқали ўрганилган.




3-расм. Исток-таглик ўтиши сизиш токининг оксид қатламига киритилган локал заряднинг истокдан вазияти L га боғланиши. $V_{db}=7V$

Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики сток токи нуқсонларнинг канал бўйлаб йўналишда тақсимотига, яъни локал заряднинг вазиятига боғлиқ. Сток токининг энг катта ўзгариши заряд канал бўйлаб марказда жойлашган холида кузатилади. Ва бу сток тоқларининг ўзгаришлари асосан затворнинг бўсагадан паст соҳасида кузатилади. Натижалардан кўришиб турибдики, бўсага ости сток токи чегарага киритилган заряднинг вазиятига катъий боғлиқдир. Сток токида максимал ўзгариш заряд чегара текислигининг канал бўйлаб марказида локализация килинганида содир бўлади (4-расм). Бундай хусусият транзистор каналидаги ташувчилар концентрациясининг канал бўйлаб тақсимоти билан боғлиқ (5-расм).



4-расм. Сток токининг локал заряднинг чегара бўйлаб жойлашишига боғлиқ равишда сток токидаги нисбий ўзгаришлар




5-расм. Қамралган заряд бўлмаган ва бўлган холларда оксид-яримўтказгич чегарасидан 1 нм чуқурликда канал бўйлаб электронлар концентрациясининг тақсимоти. Зарядланган соҳа узунлиги 2 нм бўлиб у канала марказида жойлашган.

Расмдан кўришиб турибдики локал заряд марказда жойлашганда концентрациянинг энг катта ўзгариши кузатилади.

«Металл-диэлектрик-яримўтказгич транзистори ён ўтишлари вольт-фарад характеристикаларига диэлектрик қатламидаги локал заряднинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобда планар металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзистори ён ўтишлар сиғимига нитрид қатламига киритилган локал заряднинг таъсир механизми таҳлил қилинган, ён ўтишлар вольт-фарад характеристикасининг нитрид қатламидаги локал зарядланган соҳа чизиқли ўлчамига ва канал бўйлаб вазиятига боғланиши ўрганилган ва нитрид қатламига иккита локал заряднинг киритилган холи кўрилган. Бундан ташқари нанометр ўлчамдаги металл-оксид-яримўтказгич транзистори диэлектрик қатламига киритилган локал заряднинг ён ўтиш сиғимига таъсири ва электр стресс таъсирида диэлектрик қатламида тўпланган заряднинг ён ўтишлар сиғимига таъсири моделлаштирилган.

Тагликнинг акцепторлар билан легирланиш даражаси $1 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-3}$ ва $1 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$ бўлган холларда ва нитрид қатламига локал заряд киритилганда, 2D моделлаштириш орқали, металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзистори исток-таглик ўтишининг C-V характеристикаси ўрганилган. Моделлаштириш TCAD Sentaurus дастури ёрдамида амалга оширилган. Транзистор ишчи соҳаларининг чизиқли ўлчамлари субмикрометр масштабларда бўлганлиги учун диффузион-дрейф транспорт модели қўлланилган ва ҳаракатчанлик моделида Шокли-Рид-Холл рекомбинацияси эътиборга олиниб, ҳаракатчанликнинг кучли майдонларда тўйиниши ва майдоннинг нормал ташкил этувчисининг таъсири ҳисобга олинган. Вольт-фарад характеристикасини аниқлашда 1 МГц частотада кучсиз ўзгарувчан сигнал усулидан фойдаланилган.


Моделлаштириш натижаларидан кўринадикки, локал заряднинг киритилиши исток-таглик ўтиши C-V характеристикасининг, маълум бир силжиш кучланиши V_{jump} дан бошлаб, аномал сакраб ўзгаришига олиб келади. Легирланиш даражаси $1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ ва ундан кичик бўлганда сиғимнинг сакраб ортиши (6-расм, а), $N_{\text{sub}} 1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ дан катта бўлганда унинг сакраб камайиши кузатилади (6-расм, б). Бу ходиса нитрид қатламига киритилган локал заряднинг таъсирида канал сиртига яқин соҳада ташувчиларнинг қайта тақсимланиши ва силжитиш кучланишининг маълум қийматларида исток-таглик ўтишининг камбағаллашган соҳасининг эффектив кенглигининг адекват бўлмаган ўзгаришларига олиб келиши билан боғлиқ.




6-расм. МНОП транзистор исток-таглик ўтиши сиғимининг кучланишга, нитрид қатла-мига локал заряд киритилмаган (1) ва истокдан $L = 150 \text{ нм}$ масофада киритилган (2) холдаги боғланиши. Тагликнинг легирланиш даражаси $N_{\text{sub}} = 10^{16} \text{ см}^{-3}$ (a) ва 10^{17} см^{-3} (b).

МНОП транзисторнинг нитрид қатламига истокдан турли масофаларда турли чизиқли ўлчамларда киритилган локал, мусбат заряд вазияти ва чизиқли ўлчамлари билан, ён ўтишлар вольт-фарад характеристикаси ўзгаришини ифодалайдиган сакраш кучланиши V_{jump} нинг боғланиши кўриб чиқилди. Локал заряднинг истокдан масофаси 75, 200 ва 300 нм бўлган холлар учун моделлаштириш натижалари, V_{jump} нинг локал зарядланган соҳанинг чизиқли ўлчамлари d ортиши билан монотон ортишини кўрсатади (7-расм). V_{jump} нинг d камайиши билан деярлик чизиқли камайиб бориши, локал зарядланган соҳанинг ўлчамлари камайганда унинг истокга энг яқин чегараси истокдан узоқлашиши билан боғлиқ.

Моделлаштириш орқали V_{jump} кучланиш қийматлари локал заряднинг нитрид қатламида ва нитрид-оксид чегарасида, истокга нисбатан турли вазиятлар L да қамралганда ҳам аниқланган (8-расм). Бунда нитрид-оксид чегарасидаги заряд зичлиги $4 \cdot 10^{13} \text{см}^{-3}$ қилиб олинган. Расмдан кўриниб турибдики локал заряднинг истокдан масофаси L ортиши билан сакраш кучланиши V_{jump} монотон камаяди.




7-расм. V_{jump} нинг киритилган зарядланган соҳа узунлиги d га боғлиқлиги



8-расм. Сакраш кучланиши V_{jump} нинг локал заряд марказидан канал бўйлаб истокгача масофасига боғланиши. 1-локал заряд нитрид қатламида, 2-локал заряд нитрид-оксид чегарасида бўлган хол. $d=80$ нм.

МДЯ транзистор оксид қатламида бир вақтнинг ўзида бир нечта локал заряд жойлашганда уларни аниқлаш учун ён ўтишлар сиғимлари усулларнинг ажрата олиш қобилиятини аниқлаш муҳим вазифадир. Шу сабабли ушбу ишда 2D моделлаштириш орқали металл-нитрид-оксид-яримўтказгич транзисторининг нитрид қатламига истокдан ҳар хил L масофаларда канал бўйлаб жойлашган иккита локал заряднинг исток-таглик ўтиш вольт-фарад характеристикасига таъсири ўрганилди. Кўрилатган транзисторда поликремнийли затвор узунлиги 800нм, SiO_2 ва нитрид қатлам қалинлиги мос равишда 3нм ва 50 нм ни ташкил этади. p-таглик соҳасида акцепторлар концентрацияси 10^{16}см^{-3} , исток ва сток n-соҳаларда донорлар концентрацияси 10^{20}см^{-3} қилиб олинган. Зарядланган локал соҳада заряд зичлиги $8 \cdot 10^{18} \text{см}^{-3}$ ва зарядланган соҳа канал бўйлаб узунлиги 80 нм қилиб олинган. Моделлаштириш TCAD Sentaurus дастури ёрдамида олиб борилди.

Моделлаштиришни амалга ошириш мақсадида бир вақтнинг ўзида нитрид қатламига истокдан турли L_1 ва L_2 масофаларда иккита локал зарядлар киритилди. Шу иккита локал заряднинг биргаликдаги исток-таглик ён ўтиш вольт-фарад характеристикасига таъсири кўрилди. Сигимнинг сакрашини сигим ўзгаришининг кучланиш бўйича хосиласи $d(\Delta C)/dV$ нинг силжитиш кучланишига боғланишини аниқлаш орқали кузатиш, натижани аниқроқ акслантириши мумкин (9- расм).




9-расм. Нитрид қатламида бир вақтнинг ўзида истокдан турли масофаларда иккита локал заряд жойлашганда $(\Delta C)/dV$ нинг силжитиш кучланиши V_{bias} га боғланиши.
 а) $L_1=75 \text{ nm}$ $L_2=250 \text{ nm}$, б) $L_1=75 \text{ nm}$ $L_2=225 \text{ nm}$ в) $L_1=75 \text{ nm}$ $L_2=200 \text{ nm}$ д) $L_1=75 \text{ nm}$ $L_2=195 \text{ nm}$

Натижалардан кўриниб турибдики, локал зарядлар узунликлари 80 нм ва улардаги зичликлар $8 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$ бўлса, иккита локал заряднинг таъсирлари $d(\Delta C)/dV$ нинг кучланишига боғланишида ажратилиши мумкин экан. Кўриниб, турибдики иккита локал заряднинг ажратилиши мумкин бўлган энг яқин масофа 120-125 нм оралиқда ётибди.


Диссертацияда нанометр ўлчамдаги металл-оксид-яримўтказгич транзистори диэлектрик қатламига киритилган локал заряднинг ён ўтиш сигими таъсири хам кўрилган. Бу таъсирнинг хусусияти шундан иборат эканки, бундай транзисторларда оксид қатламидаги локал заряд таъсирида ён ўтишлар сигимининг ўзгариши асосан кичик силжитиш кучланишларида кузатилади (10-расм). Бундай ходиса кичик кучланишларда, катта кучланишлардагига қараганда, ён ўтишнинг канал билан контактда бўлган чегара қисмининг эгрланиши ва мос равишда шу билан боғлиқ бўлган сигим C_{swc} , ён томоннинг канал билан контактда бўлмаган ва асос қисмлари билан боғлиқ бўлган чегара қисмлари (ва мос равишда шулар билан боғлиқ бўлган сигимлар C_{swb} ва C_{bw}) га нисбатан сезиларли бўлиши билан тушунтирилади.

Диссертация ишида моделлаштириш орқали ён сигимлар усулини наноўлчамли планар МОЯ транзистор затвор ости диэлектрик қатламига инъекцияланган ва чегарада ушланган қайноқ ташувчиларнинг канал бўйлаб

тақсимотини баҳолаш учун фойдаланиш имкониятири ўрганилган. Моделлаштиришда қамралган заряднинг канал бўйлаб, 11-расмда келтирилган тақсимотлари учун, сток-таглик ўтиши барьер сифимига таълуқли C-V боғланишлари ҳам ўрганилган.



10-расм. Нанометр ўлчамдаги планар МОЯ транзисторларда оксид қатламидаги локал заряд таъсирида ён ўтишлар сифими ўзгариши



11-расм. Оксид қатламига инжекцияланиб қамралган заряд концентрациясининг моделлаштиришда кўрилган канал бўйлаб истокдан стокга йўналишида тақсимотлари.

Бу холда ҳам сифим ўзгаришлари асосан кичик силжитиш кучланишларида кузатилади. Ва бундай ходиса асосан ён ўтиш чегарасининг канал билан контактда бўлган қисмининг ўзгаришлари билан тушунтирилади.

ХУЛОСАЛАР

Изоляцияланган затворли планар металл-диэлектрик-яримўтказгич транзисторлар характеристикаларига турли таъсирлар натижасида диэлектрик қатламида қамралиши мумкин бўлган нотекис тақсимланган заряднинг таъсирини моделлаштиришлар ва назарий таҳлиллар қилиш бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. n-МОЯ транзисторнинг оксид қатламига киритилган локал заряд истокдан канал бўйлаб узоқлашганда унинг бўсаға кучланишининг ортиши аниқланди. Бунинг асосий сабаби локал заряднинг таъсирида канал марказида яримўтказгич сиртига яқин соҳада асосий заряд ташувчилар концентрациясининг ортишидадир.

2. Моделлаштириш натижаларидан МНОЯ транзисторнинг нитрид қатламига локал зарядларни киритилиши ва унинг истокдан канал бўйлаб узоқлашиши исток –таглик ўтиши сизиш токи I_{sb} нинг ортишига олиб келиши кўрсатилди. Кузатилаётган сизиш токининг ортиши локал заряднинг исток-таглик камбағаллашган соҳаси кенгилгини камайтириши билан тушунтирилади.

3. Моделлаштириш натижаларидан, планар МНОЯ транзисторнинг нитрид қатламига локал заряд киритилганда, исток–таглик ўтиш вольт-фарад характеристикасида, кучланишнинг қандайдир аниқ бир қиймати V_{jump} да, сифимнинг сакраши кўрсатилди ва кучланишининг V_{jump} қийматларидан бошлаб, таглик легирланиш даражаси $N_{sub} \leq 1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ бўлганда исток-таглик

ён ўтиши сифимининг кескин сакраб ортиши ва $N_{\text{sub}} > 1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ бўлганда кескин сакраб камайиши аниқланди.

4. Планар МНОЯ транзисторнинг нитрид катламига канал бўйлаб истокдан турли масофаларда киритилган ва турли узунликларга эга локал заряднинг таъсирини моделлаштириш натижаларидан, V_{jump} нинг локал заряднинг вазиятига ва чизикли ўлчамлари d га боғлиқлиги ва d ортиши билан монотонн ортиши кўрсатилди.

5. V_{jump} кучланиш локал заряднинг планар МНОЯ транзисторнинг нитрид қатламида ва нитрид-оксид чегарасида қамралганда, истокга нисбатан канал бўйлаб масофаси L ортиши билан сакраш кучланиши V_{jump} нинг монотонн камайиши кўрсатилди.

6. Диэлектрик қатламига киритилган локал заряднинг ён ўтиш сифимига таъсирини ифодаловчи ҳосила $d(\Delta C)/dV$ нинг кучланишга боғланишдаги амплитудаси локал заряд ўлчамларининг ортиши билан ортиб бориб тўйинишга эришиши кузатилди. Бу эффект локал заряд миқдорининг ортиши натижасида канал сиртидаги ташувчилар концентрациясига таъсир қиладиган майдоннинг кучайиши ва унинг ўз навбатида таглик сиртидаги ташувчилар концентрациянинг қайта тақсимланишига олиб келиши билан тушунтирилади.

7. Нанометер ўлчамлардаги МОЯ транзисторда завтор ости оксид қатламининг стокга яқин соҳасида локал заряднинг қамралиши ва қамралган локал зарядланган соҳа чизикли ўлчами d ортиши билан исток-таглик ён ўтиш сифими ўзгариши ΔC_{ssmax} нинг чизикли ортиши ва заряд ўлчами ярим канал узунлигидан ортиб бошлаганда унинг тўйинишга эришиши ва унданг сўнг яна d ортиши билан кескин ортиши кузатилади. Оксид қатлами стокдан истокгача заряд билан тўлик қопланганда ΔC_{dsmax} ва ΔC_{ssmax} ларнинг бир бирига тенг бўлиши кўрсатилди.

8. Моделлаштириш натижалари исток-таглик ва сток-таглик ён ўтишлар сифимларининг нисбати оксидда қамралган заряд тақсимотининг мақсумуми жойлашишига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Қамралган заряд тақсимот амплитудаси канал марказига нисбатан исток томонида локаллашганда $C_{\text{sbt}} / C_{\text{dbt}} > 1$ бўлади, ва сток томонида локаллашганда $C_{\text{sbt}} / C_{\text{dbt}} < 1$ бўлади. Нисбатнинг $C_{\text{sbt}} / C_{\text{dbt}} = 1$ қиймати амплитуданинг канал марказида локаллашганлигига мос келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc02/27.02.2020.FM/T.110.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ АН РУз**

УРГЕНЧЕСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАМУРАТОВА ЗУХРА АТАБЕКОВНА

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ НЕРАВНОМЕРНОГО
РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ЗАРЯДА В ДИЭЛЕКТРИКЕ И НА ГРАНИЦЕ
ДИЭЛЕКТРИК-ПОЛУПРОВОДНИК НА ХАРАКТЕРИСТИКИ МДП
ТРАНЗИСТОРА**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/FM614.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант: **Юсупов Ахмед**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримов Иброхим Набиевич**
доктор физико-математических наук, профессор
Ёдгорова Дилбара Мустафаевна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Тошкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 года в __ часов на заседании Научного совета DSc02/27.02.2020.FM/T.110.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском Физико-техническом институте Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100084, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Чингиз Айтматов, дом 2Б. Тел: (+99871) 235-93-61, факс (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за № _____) по адресу: 100084, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Чингиз Айтматов, дом 2Б. Тел: (+99871) 235-93-61

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2023 г.).

Х.К. Олимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.С. Ахатов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

Ш.Н. Усмонов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире в настоящее время изучение свойств транзисторов металл-диэлектрик-полупроводник (МДП) привлекает внимание широкой мировой научной общественности. В частности, в 2019 году 32,4 процента сегмента рынка полупроводников приходится на сети и устройства связи. Ожидается, что мировой рынок полупроводников достигнет 469,4 млрд долларов в 2021 году и, как ожидается, достигнет 726,73 млрд долларов к 2027 году при среднегодовом темпе роста 8,4%¹. Исследование влияния различных внешних воздействий на характеристики и свойства границы раздела диэлектрик-полупроводник МДП приборов микрометровых и нанометровых размеров является актуальной задачей современной полупроводниковой наноэлектроники. Из них, в ряду самых актуальных задач можно отметить исследование влияния ионизирующего радиационного излучения, электрического поля, инжекции заряда на границу раздела диэлектрик-полупроводник микро и наноразмерных структур металл-диэлектрик-полупроводник. Наряду с радиационной стойкостью, важность задач такого типа связана с развитием стабильных, надежных и стойких к электрическим стрессам транзисторов.

В последние годы МДЯ-структуры находят широкое применение в различных современных электронных устройствах, включая полупроводниковые элементы памяти, устройства мобильной связи, различные медицинские имплантируемые датчики, телекоммуникационные устройства, оборудование космической отрасли в качестве основного организационного элемента.

Актуальность изучения эффектов различных внешних воздействий на структуры металл-оксид-полупроводник (МОП) и транзисторов на его основе связана с неизученностью до конца механизмов таких воздействий. В частности, не полностью определены механизмы влияния на стабильность и функциональную надежность параметров и характеристик субмикрометровых и нанометровых МОП транзисторов локального заряда, встроенного под действием различных причин в оксидный слой и на границу диэлектрик-полупроводник. С этой точки зрения одной из важных задач является совершенствование методов контроля дефектов на границе диэлектрик-полупроводник и исследование распределения зарядов около границы.

В нашей Республике уделяется большое внимание развитию науки, в частности особое внимание уделяется развитию физики полупроводниковых приборов и электронной отрасли. В этом плане учеными республики получены важные результаты по получению новых полупроводниковых материалов, различных структур на их основе и по изучению влияния различных внешних воздействий на их характеристики. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2022-2026 годы², в частности, определены

¹ Данные Всемирной полупроводниковой торговой статистики (<https://www.wsts.org/>)

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

задачи по «Непрерывному обеспечению экономики электрической энергией и активному внедрению технологий «Зеленой энергетики» во все сферы, повышению энергетической эффективности экономики на 20 процентов». В этом аспекте, одной из важных задач является разработка новых материалов электронной техники и структур на их основе, стойких к различным воздействиям и эффективные методы контроля их параметров.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП–60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для дальнейшего развития электротехнической промышленности и повышению инвестиционного и экспортного потенциала отрасли» от 30 мая 2019 года, ПП-3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» от 14 июля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники и электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. До настоящего времени учёные ограничивались исследованием влияния заряда накопленного в диэлектрике и на границе диэлектрик-полупроводник под действием различных внешних воздействий, на свойства границы диэлектрик-полупроводник и на выходные и переходные вольт-амперные характеристики, а также входные вольт-фарадные характеристики приборов на их основе и практически не исследовано влияние распределения этих зарядов на вольт-амперные и вольт-фарадные характеристики боковых переходов транзисторов.

Dong Myong Kim и его сотрудниками из Республики Корея предложено исследовать распределение заряда на дефектах на границе диэлектрик-полупроводник вдоль канала в полевом транзисторе с изолированным затвором, неразрушающим методом, основанным на измерении емкости перехода затвор-исток, и результаты сравнены с результатами моделирования. G. Groeseneken и сотрудники из Международного центра микроэлектроники в Бельгии предложили метод накачки для определения распределения вдоль канала заряда встроенного на границе диэлектрик-полупроводник транзистора металл-диэлектрик-полупроводник. Российский ученый И. Старков предложил метод разделения влияния на характеристики транзистора заряда в диэлектрическом слое и на границе диэлектрик-полупроводник.

На сегодняшний день не существует единой модели, полностью объясняющей все экспериментальные результаты накопления заряда на границе оксид-полупроводник. Российскими учеными (В.Я. Урицкий, Е.А. Ладыгин, В.А. Гуртов и др.) под действием радиации увеличивается концентрация

дефектов и распределение зарядов в диэлектрическом слое и границе оксид-полупроводник, ухудшается подвижность носители тока, в основном затворные, стоковые (стоковые) или изучаемые путем измерения тока через базу и входной вольтфарадной характеристики.

Учеными Узбекистана С.З. Зайнабидиновым, С.И. Власовым, И.Н. Каримовым, Х.С. Далиевом, А. Юсуповым, А. Атамуратовым и другими проводились исследования характеристик МДП структур и полевых транзисторов на основе этих структур. В частности, С.И. Власовым развиты усовершенствованные методы C-V характеристик для исследования границы раздела диэлектрик-полупроводник в МДП структурах. И.Н. Каримовым исследовались различные внешние влияния на граничные состояния в МДП структурах. А. Атамуратовым и А. Юсуповым моделировались влияния на характеристики МДП транзисторов локальных зарядов в диэлектрическом слое. Но в этих работах не достаточно рассматривались влияние неравномерного распределения оксидного и граничного заряда на характеристики и параметры МОП транзисторов.

Несмотря на очень большое число исследований по изучению процесса накопления заряда в диэлектрическом слое и на границе диэлектрик-полупроводник в МДП приборах, к настоящему времени, все ещё не разработана целостная законченная модель, объясняющая механизм накопления заряда в диэлектрическом слое и на границе под действием различных электрических стрессов. Очень мало исследований направленных на развитие экспрессных и простых методов определения локального заряда в диэлектрическом слое и на границе диэлектрик-полупроводник и его распределения вдоль канала микро- и нанометрового МДП транзистора.

